



**XV-XVII АСРЛАРГА ОИД БАЪЗИ МАНБАЛАРДА СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН
МАНГУБЕРДИ ҲАРБИЙ ФАОЛИЯТИ ТАФСИЛОТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

Акобиров Миржалол Химматович
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари
Марказий ҳарбий округ штаби бош мутахассиси

Хоразмшоҳ султон Жалолоiddин Мангуберди фаолиятига назар ташласак, бу элпарвар саркарданинг ўзбек давлатчилиқ тарихида нақадар салмоқли ўринга эга эканлигини англашимиз қийин эмас. Шу сабабдан, бугунги кунда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мана шундай мард, ватанпарвар баҳодирни босқинчилар зулмига қарши қаратилган озодлик ҳаракати ва жанглардаги саркардалиқ маҳорати муҳим аҳамият касб этмоқда.

XV-XVII асрларга оид айрим манбаларни қисқача тадқиқ этиш орқали Султон Жалолоiddин Мангубердиниң мўғуллар зулмига қарши озодлик ҳаракатларига доир айрим маълумотларни ёритишга ҳаракат қиламиз. Бундай манбалар сирасига темурийлар сулоласиниң ёрқин намоёндаси Мирзо Улуғбек қаламига мансуб “Тўрт улус тарихи”⁷, Мирхондиниң “Равзат ус-Сафо”⁸ ва Хива хони Абулғозий Баҳодирхонниң “Шажараи турк”⁹ каби асарлари киради. Ушбу асарларда султон Жалолоiddин Мангубердиниң айнан мўғуллар билан тўқнашувларини ёритилишида фарқли ва ўхшаш жиҳатларини учратамиз. Буларни қуйидаги таҳлиллар орқали кўриб чиқамиз.

Хоразмшоҳлар қўшинни жанговар сафга тортганда уни тўрт қисмга бўлган, яъни қўшинниң олд томонида муқаддама (авангард) қисми жойлашган бўлиб, Мирзо Улуғбек томонидан келтирилган маълумотларда бу қисм ғўл (ўрта асрларда туркий халқлар ва мўғул қўшининиң марказ ва қанотлар олдида турувчи махсус гуруҳ.) деб аталган⁴. Кейинги қаторда қалб (марказ), қўшинниң ўнг қаноти маймана, чап қаноти майсара, кейинги қаторда хафия (душманни қуршовга олиш гуруҳи), энг орқа қисмда эса муаххара (захира) жойлашган. Бу тартибда қисмларга жойлаштириш Султон Жалолоiddинниң Жўжи бошлиқ мўғуллар билан дастлабки тўқнашуви ҳақидаги жанг тафсилотида учрайди. Мирхонд бу жанг тафсилотини ёритганда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ қўшинлариниң қисмлари ҳақида маълумотлар келтирган. Тўқнашувда

⁷ Мирзо Улуғбекниң “Тўрт улус тарихи” асари “Улус-а арбаъ-йи Чингизий” номи билан ҳам машхур. Асарниң Чингизхонниң улуг аждоди Бузунжор қоондан ва Мовароуннаҳрни XIII — XIV асрниң биринчи ярмида идора қилган Чиғатойхон авлоди тарихини ўз ичига олган қисми «Улус-и арбаъ-йи Чингизий» ёки «Тарих-и арбаъ улус» деб аталади.

⁸ Мир Муҳаммад бин Саййид Бурхониддин бин Камолуддин Маҳмуд ал-Балхий (Мирхонд) қаламига мансуб “Равзат ус-Сафо фи Сийрат ил-анбиё ва-л-хулафо” (Пайгамбарлар, халифалар ва подшоларниң таржимаи холи ҳақидаги поклик боғи) асари муқаддима, хотима ва етти жилддан иборат бўлиб, академик Б.Аҳмедовниң тадқиқотларига кўра асарниң бешинчи жилдида Хоразмшоҳлар баёни берилган.

⁹ Абулғози Баҳодирхон томонидан ёзилган “Шажараи турк” асари қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат бўлиб, асарниң иккинчи бобида султон Жалолоiddинниң мўғуллар билан тўқнашувлари баён этилади.

⁴ Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи/ Форс тилидан таржима Б. Аҳмедов, Н. Норкулов ва М. Ҳасаний. Кириш сўзи, изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.: Чўлпон, 1994-Б. 177



Жалолоддин Султон кўшинининг ўнг қанотини бошқарган. Мўғулларнинг шиддатли хужуми натижасида Жўжи кўшини Султон кўшинининг ҳатто маркази (қалб)га жиддий зарар етказди ва уни бўлиб юборди¹. Мирзо Улуғбек асарида эса айнан бу жангда Султон кўшинларини қисмлари ҳақида маълумотларни учратмаймиз. Аммо Мирзо Улуғбек ва Мирхонднинг Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва мўғулларнинг дастлабки тўқнашуви ҳақидаги маълумотлари, яъни воқеани тасвирлаш ўхшашдир. Масалан: Жўжини Султонга “Эй шахриёр, ёшлик этиб, муллога ишониб, комронлик қилмагин. Эй шахриёр, дилимизни ғамга солмагин, ўз жонинга қасдимизни кўзгама. Чингизхон бу диёрга бизни бошқа иш билан юборган”² мазмунидаги хабари ва бошқа жараёнлар айнан бир хилдир. Воқеани баён этишдаги ўхшашлик даврий нуқтаи назардан бу асарларнинг бир вақтда ёзилгани ва фойдаланган манбаларининг ўхшашлигидан далолат беради. Аммо кейинги воқеаларни баён этишда фарқлар сезилади.

Султон Жалолоддиннинг кўшини сони ва таркиби ҳақида маълум бир рақамни ёки айнан бир уруғ ва миллатни айтиш мушкул. 1220-йилда Жалолоддин Урганчда фитна ҳақида хабар топгач, уч юз отлик билан шаҳардан чиқиб кетади. 1221-йилда у Ғазнага келганида унинг кўшинини сони бир мунча ортади. Мирзо Улуғбек Ғазнада Жалолоддин кўшинига Ҳирот малиги Амин Малик ўз қавми ғурийлар ва лашкари билан келиб кўшилганини таъкидлайди³. Аммо қанча аскар билан кўшилгани ҳақида айтилмайди. Шу ўринда ғурийларнинг Амин Маликка қай даражада алоқадор эканлигини таҳлил қилсак. Ғурийлар 1148-1206-йилларда Афғонистоннинг деярли барча вилоятлари ва Ҳиндистоннинг Синд, Панжоб, Банорас вилоятларида ҳукмронлик қилган сулола бўлиб, кейинчалик Хоразмшоҳлар томонидан бўйсундирилган. Демак қачонлардир Афғонистон ҳудудидаги Ҳирот Ғурилар кўли остида бўлганини ва кейинчалик Амин Малик Ҳирот ноибни бўлганини ҳисобга олсак, Жалолоддин аскарлари сафига ғурийларнинг келиб кўшилган деб тахмин қилишимиз мумкин. Бироқ бу ўринда келтирилган маълумотни рад этувчи бир қанча омилларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин. Масалан: Жалолоддиннинг замондоши ва тарихчиси Насавий Амин Малик Жалолоддинга бувиси Туркон Хотун томонидан тоғаваччаси эканини ва у ўн минг отлик туркийлардан иборат кўшини билан келиб Жалолоддинга кўшилгани ҳамда Амин Маликни туркларнинг қангли уруғи бошлиги бўлганини таъкидлайди¹. Улуғбек эса Амин Маликни ўз қавми ғурийлар билан келиб кўшилди деб маълумот беради. Демакки бу маълумотдан Амин Малик ғурийлар қавмидан бўлган деган хулосага келиш нотўғридир. Ушбу маълумотни нотўғри эканлигини Жувайний берган маълумотлар ҳам тасдиқлайди, яъни Жувайний таъкидлашича, мўғуллардан қочиб, Ҳиротни тарк этган Амин Малик ғурийларга мўғулларнинг

¹ Мирхонднинг “Равзат ус-Сафо асарида” Жалолоддин Мангуберби зикри / Сўз боши муаллифи М. Ҳасаний. - Т.:Фан, 1999-Б. 10

² Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи/ Форс тилидан таржима Б. Аҳмедов, Н. Норқулов ва М. Ҳасаний. Кириш сўзи, изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.:Чўлпон, 1994-Б. 134

³ Мирзо Улуғбек. Ўша асар.- Б. 177

¹ Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Таржима ва сўз боши муаллифи Матёкубов Камол. Т.: ФАН, 2018–Б. 376



Хуросон ҳудудига кирганини, Султондан эса умид йўқлигини маълум қилиб, отуловлари учун егулик сўрайди. Аммо улар ғурлар билан туркийлар ҳеч қачон бир-бирларига яқин бўла олмаслигини айтиб Амин Малик талабини рад этади². Кўринадикки Амин Малик Жалолоддин сафига фақат туркийлардан иборат қўшини билан келиб қўшилган. Бундан ташқари, Мирзо Улуғбек Жалолоддинга Ғазнада вақтида Қабақлиён қавмидан қирқ минг киши Хоразм томондан келиб қўшилганини маълум қилади³. Рашидиддин ва Жувайнийнинг маълумот беришича, Ғазнада Жалолоддинга Сайфиддин Ағроқ қирқ минг кишилиқ қўшин билан келиб қўшилади¹. Демак Улуғбек Қабақлиён қавмидан деб Сайфиддин Ағроқ бошчилигидаги қўшинни назарда тутган.

Тарихчи Мирхонднинг Жалолоддин қўшинига Ғазнада қўшимча кучларнинг қўшилиши ҳақидаги келтириб ўтган маълумотларини таҳлил қилсак. Авваламбор, Мирхонд маълумотларни баён қилишда Жувайнийнинг берган маълумотларидан кўпроқ фойдаланганини кўрамыз. Масалан: Мирхонд Ҳирот ҳокими Ямин Малик бошчилигидаги курдлар (туркийлар)дан бир жамоа Ғазнада Жалолоддинга келиб қўшилгани ҳақида айтади². Фақат бирламчи манбалар орасида Жувайний маълумотларида Амин Маликни Ямин Малик деб таъкидлаган³. Айни пайтда Мирхонд томонидан келтирилган маълумотлардан яна шуни англашимиз мумкинки, Мирзо Улуғбек маълумотидан фарқли ўлароқ, Амин Маликни ғурийлар билан эмас, туркийлар билан келиб султон Жалолоддин ёнидан жой олган⁴. Сайфиддин Ағроқ ҳақида муаллиф тўхталар экан, уни туркман, қанғли ва халажлардан иборат қирқ минг кишилиқ қўшин билан келиб Жалолоддинга қўшилди деб аниқ қўшин сонини келтиради.⁵ Сайфиддин Ағроқ халаж ва туркманларга бошчилик қилганини Жалолоддинга замондош тарихчилардан Жувайний “Мовароуннаҳр ва Хуросондан келган халаж ва туркманлар тўдаси Сайфиддин Ағроқ бошчилигида Пешовардан келиб Жалолоддин сафига қўшилди” деб берган маълумоти тасдиқлайди⁶. Айнан Сайфиддин Ағроқ қўшини таркибида халажлар бўлганини Насавий маълумотлари ҳам тасдиқлайди.¹

² Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзгурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. –Б.411

³ Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи/ Форс тилидан таржима Б. Аҳмедов, Н. Норкулов ва М. Ҳасаний. Кириш сўзи, изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.:Чўлпон, 1994-Б. 177

¹ Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Ўша асар Б. 381 Изоҳ қисмида

Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзгурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. –Б. 370.

² Мирхонднинг “Равзат ус-Сафо асарида” Жалолоддин Мангуберби зикри / Сўз боши муаллифи М. Ҳасаний. - Т.:Фан, 1999-Б. 12

³ Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзгурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. –Б. 411

⁴ Мирхонд. Ўша асар. -Б. 12

⁵ Мирхонд. Ўша асар. -Б. 12

⁶ Алоуддин Атомалик Жувайний. Ўша асар. –Б. 412

¹ Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Таржима ва сўз боши муаллифи Матёкубов Камол. Т.: ФАН, 2018–Б. 127-128



Абулғози Баҳодирхон эса Ғазнада султон Жалололиддинга қўшилган аскарларнинг аниқ сони ҳақида маълумот бермасда, Хонмалик ва Сайфиддин Афрок бошчилигидаги киниклилар (қанғлилар)нинг Жалололиддин ёнидан жой олганини таъкидлайди². Келтирилган маълумотда Хонмалик деб Амин Маликни назарда тутганини англаш қийин эмас. Бироқ, муаллиф нима учун Амин Маликни Хонмалик деб атади? Амин Маликни Хонмалик деб аталиши Рашидиддиннинг берган маълумотларида учрайди³. Демак муаллиф Рашидиддин маълумотларидан фойдаланган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Номлари зикр этилган манбаларда султон Жалололиддиннинг айнан мўғуллар билан тўқнашуви бўлган жой ва саркардалар номлари ҳамда султоннинг жангда қўллаган тактикаси ҳақида келтирилган маълумотларни қисқача таҳлилига ўтсак. Султон Жалололиддин 1221 йилда Ғазнага етиб келади ва шу йилнинг баҳорида у Парвонга қараб ҳаракатланди. Ушбу жойнинг номланиши Мирзо Улуғбек ва Мирхонд асарларида Бозон ва Борон шаклида деярли бир хил талқин қилинган⁴. Нима учун бу жой номи Бозон ёки Борон шаклида келтирилаяпти? Парвон деган жой номи XIII асрда араб тилида ёзилган бирламчи манбаларда **برن** (Барон), **بزَن** (Базан) ёки **بظَن** (Базон) шаклида берилган бўлиши мумкин. Сабаби араб алифбосида **П** ҳарфи ёзувда ҳам талаффузда ҳам йўқ. Шунинг учун сўз бошидаги ҳарф **Б** шаклида ёзилган бўлиши мумкин. (Муаллиф фикри. Ҳали асл манбани ўқишнинг иложи бўлмади, сабаби асл манбанинг нусхалари Парижнинг Миллий кутубхонаси ва Британия музейида сақланмоқда.) Муаллифлар томонидан келтирилган маълумотларда эса сўз ўртасидаги **ج**, **ظ** ва **ز** ҳарфларидаги фарқни кўриш мумкин. Жалололиддин Парвонга келгач, Валиён қалъасини мўғуллар қамал қилгани ҳақидаги хабарни эшитиб, юклари ва фарзандларини Парвонда қолдириб ўзи қалъа томон қўшин тортади. Мана шу қалъада мўғулларга қарши жанг ҳақида муаллифларнинг берган маълумотларида ўхшашликлар сезилади. Масалан: Мирхонд мўғул пешрав (форсчада олдинда юрувчи¹)ларини, Абулғози Баҳодирхон эса мўғул лашкарининг қоровул (Салжукийлар, Чингизийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва учала хонликларда соқчи гуруҳ тушунчаси қоровул атамаси ёрдамида англашилган²) қисмига ҳужум қилиб улардан минг нафарини қатл қилгани баён қилинади. Демак, Жалололиддин бу жангда мўғул қўшинининг барча қисми билан жангга кирмаган, фақатгина махсус қисм, яъни олд қисмига ҳужум уюштирган. Валиён қалъасидаги ғалабадан кейин, Чингизхон томонидан Шики Хутуху бошчилигида юборилган махсус жазо отряди билан Парвон даштидаги тўқнашувда Жалололиддин улкан ғалабани қўлга киритади. Бу жангда султон Жалололиддин қўшинни юқорида келтириб ўтилганидек қилиб сафга тортди. Қалб (марказ)да ўзи, маймана (ўнг қанот)да Амин Малик, майсара (чап қанот)да

² Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. Сўз боши муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.:Чўлпон, 1992. –Б. 71

³ Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Султон Жалололиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Таржима ва сўз боши муаллифи Матёкубов Камол. Т.: ФАН, 2018–Б. 376 изоҳ қисмида

⁴ Мирзо Улуғбек. Ўша асар.-Б. 177. / Мирхонд. Ўша асар . -Б. 13

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 7-том П ҳарфи

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 11-том Қ ҳарфи



Сайфиддин Ағроқ ўз ўрнини эгаллади. Бу жангда Жалололиддин тарихда биринчи мартаба от ёнида туриб пиёда ҳолатда жанг қилиш тактикасини қўллайди. Жанг икки кун давом этган бўлса, биринчи кун пиёда ҳолатда камондан ўқ узадилар. Мирхонд маълумотларидан шу нарса аён бўладики, мазкур жангда Жалололиддин жангнинг биринчи куни аскарларига отдан тушиб, отни юганини белига боғлаган ҳолда пиёда бўлиб, камондан ўқ узишни буюради. Иккинчи кун ҳам эрталаб худди шу ҳолат то мўғулларнинг мағлуб бўлиши аниқ бўлгунча давом этди. Мўғулларнинг мағлуб бўлиши аниқ бўлгандан кейин отга миниб душманга ташланади³. Улуғбек келтирган маълумотда эса Жалололиддин аскарлари жангнинг биринчи кунида пиёда ҳолатда камондан ўқ узиб жанг қилган бўлса, эртаси куни эрталаб мўғуллар ҳийласидан хабар тошгач отларига миниб мўғулларга қарши хужумга ўтади.¹ Мирхонд томонидан баён этилган маълумотни Жувайнийнинг ҳам келтирган маълумотлари тасдиқлайди. Демак, бундан Жалололиддин қўшинлари иккинчи кун ҳам дастлаб пиёда ҳолатда камондан ўқ узиб жанг қилган деган хулосага келиш мумкин. Пиёда бўлиб жанг қилишдан асосий мақсад, дастлаб камондан ўқ узган ҳолда жанг қилиб, душман қўшинидаги отлиқларни ҳолдан тойдириш, кейин ўзларини дам олиб турган отларига минган ҳолда душманни тўла яқсон қилиш бўлган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, учала муаллифларнинг келтирган маълумотларидаги қисман фарқларнинг мавжудлиги мўғулларга қарши курашда Жалололиддин Мангуберди жасоратини талқин этишда муқобил фикрлар уйғотмайди. Асарларда Жалололиддин Мангубердининг ҳарбий жасорати холисона, тўғри ёритиб берилган. Айниқса, султон Жалололиддиннинг Туркистон яқинида Жўжи устидан қўлга киритган ғалабасиданок, то Жалололиддиннинг вафотига қадар Чингизхон ва фарзандларини ундан хавфсираб яшашга мажбур қилди. Бу эса султон Жалололиддинни мўғулларга қарши XIII-XIV асрларда соҳибқирон Амир Темурга қадар тенгсиз рақиб бўлган деб айтишга асос бўлади. Бундан ташқари муаллифлар асарларини яратишда айниқса Мирхонд Жувайний маълумотларидан кўпроқ фойдаланганини кўришимиз мумкин. Улуғбек ҳам Мирхонд сингари Жувайний асаридан фойдаланган деган хулосага келишимиз учун юқорида таъкидлаганимиздек, Улуғбекнинг келтирган маълумотларида тарихчи Мирхонд маълумотлари билан ўхшашлик томонларини мавжудлиги ва айрим ўринларда Улуғбек ўзи фойдаланган баъзи асарлар ва уларнинг муаллифлари қаторида, Алоуддин Атомалик Жувайний ва Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамодоний каби муаррихларнинг номини тилга олишини асос қилиб олишимиз мумкин². Абулғози Баҳодирхон ва Рашидиддин асарларидаги айрим шахсларнинг исмларини бир хилда аталиши ҳамда ушбу исмларнинг бундай келтирилиши бошқа манбаларда учрамаслиги, Абулғози Баҳодирхон Рашидиддин

³ Мирхонднинг “Равзат ус-Сафо асарида” Жалололиддин Мангуберби зикри / Сўз боши муаллифи М. Ҳасаний. - Т.:Фан, 1999-Б. 13

¹ Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи/ Форс тилидан таржима Б. Аҳмедов, Н. Норкулов ва М. Ҳасаний. Кириш сўзи, изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.:Чўлпон, 1994-Б. 178

² Мирзо Улуғбек. Ўша асар. -Б. 6



маълумотларидан фойдаланганини кўрсатади. Демак номлари зикр этилаётган муаллифлар, XIII аср тарихчиларидан Атомалик Жувайний ва Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамодонийларнинг асарларидан султон Жалололидиннинг мўғуллар зулмига қарши курашдаги ҳарбий фаолиятини ёритишда кенг фойдаланган деган хулосага келишимиз мумкин. Бунга сабаб XIII аср манбалари орасида Жувайний ва Рашидуддин томонидан яратилган асарларни Ўрто Осиё хуудларида мавжудлиги нуқтаи назаридан қаралганда, бу хуудларда ушбу асарлардан XV-XVII асрларда кўпроқ фойдаланиш имкониятини юзага келтирган бўлса керак. (Муаллиф фикри.)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи/ Форс тилидан таржима Б. Аҳмедов, Н. Норқулов ва М. Ҳасаний. Кириш сўзи, изоҳлар муаллифи Б. Аҳмедов. -Т.:Чўлпон, 1994
2. Мирхондиннинг “Равзат ус-Сафо асарида” Жалололидин Мангуберби зикри / Сўз боши муаллифи М. Ҳасаний. -Т.:Фан, 1999
3. Насавий Шаҳобиддин Муҳаммад. Султон Жалололидин Мангуберди ҳаёти тафсилоти / Таржима ва сўз боши муаллифи Матёқубов Камол. Т.: ФАН, 2018
4. Абулғози Баҳодирхон. Шажараи Турк. Сўз боши муаллифи Б. Аҳмедов. - Т.:Чўлпон, 1992.
5. Алоуддин Атомалик Жувайний. Тарихи Жаҳонгушо. / Таржима ва сўз боши муаллифи Назарбек Раҳим, Мурсал Ўзтурк. Т.: Мумтоз сўз, 2015. –Б.
6. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси